

Мўминнинг қалби кибр қилишдан рўза тутади



11:04 / 26.03.2025 1410

Чунки кибр қалбни бузади. Шунинг учун ҳам кибр мўминнинг қалбидан жой олмайди. Чунки кибрланиш инсонга хос эмас. Аслида кибрнинг жойлашадиган ўрни қалб ҳисобланади. Мабодо кибр қалбдан жой олса, ундаги яхши хислатлар бирин-кетин чиқиб кетади. Бу қалб эгаси эси паст аҳмоққа, ваҳший ҳайвонга айланади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай дейди:

«Кибрлилик менинг ридомдир. Улуғворлик менинг изоримдир. Ким шулардан бирортасини мен билан талашса, уни жаҳаннамга улоқтираман».

Мўминнинг қалби уждан рўза тутади

Ужб – инсон ўз нафсини комил бўлди, деб тасаввур қилиши, ўзини бошқалардан афзал кўриши ва ўзида бошқаларда бўлмаган яхшиликлар бор, деб ўйлаши. Бу эса айни ҳалокатнинг ўзидир.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Учта ҳалок қиладиган нарса бор: итоат қилинадиган бахиллик, эргашиладиган ҳавойи нафс, инсоннинг кибр туфайли ўз-ўзидан ажабланиши».

Бу касалликнинг давоси инсон ўз айбига, камчиликларига, унутиб қўйган минглаб ёмонликларини хатоларига назар ташламоғидир. Шунингдек, бу нарсаларнинг Робби ҳузуридаги ҳеч ҳам ёзишда адашмайдиган ва унутиб қўймайдиган китобда сақланиб турганини ҳис қилмоғи.

Мўминнинг қалби ҳасад қилишдан рўза тутати

Чунки ҳасад инсоннинг солиҳ амалларини беҳудага совуради. Унинг қалбидаги нурни ўчиради. Аллоҳ сари қиладиган саъй-ҳаракатларини пучга чиқаради. Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 54-оятда шундай марҳамат қилади:

«Ёки Аллоҳ ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қиладиларми?»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом шундай дедилар: **«Бир-бирларингизга ҳасад қилманглар. Бир-бирларингизни ёмон кўрманг. Ўзаро тортишманглар. Бир-бирларингизга душманчилик қилманг. Бирларингиз бошқа бирларингизнинг савдоси устидан савдо қилмасин».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан бир кишини жаннат аҳлидан экани ҳақида уч марта хабар бердилар. Шунда ана шу кишидан: «Жаннатга кириш бахтига нима билан эришдингиз?» деб сўралганида у киши: «Мен қалбимда бирор мусулмонга нисбатан ҳасад ё гина-адоват, ё филлу ғашлик бўлмаган ҳолимда тунайман», деб жавоб берган экан.

«Рамазон соғинчи» китобидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 11 февралдаги 03-07/905-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.